



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 128 (12.189)

Баҳоси эркин нарҳда



## ТАҚДИРИМсан, БАХТИМсан, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Мустақиллик йилларида мамлакатимиз кўплаб давлатлар билан ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатди ҳамда уни изчил ривожлантирмоқда. Хитой Халқ Республикаси мамлакатимиз самарали ҳамкорлик қилаётган ана шундай давлатлардан биридир.**

### ЯНГИ КОРХОНА ОЧИЛДИ

Дунёнинг ривожланган давлатларидан бири бўлган Хитой Халқ Республикаси ва мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ҳамда ҳурматга асосланган муносабатлар мустақамланиб бормоқда. Мамлакатимиздаги қулай инвестицион муҳит боис хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар сафи ортиб, уларда ишлаб чиқарилаётган халқаро андозаларга мос маҳсулотлар нафақат ички бозорда харидорлириги билан ажралиб туради, балки чет давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Ўзбекистон – Хитой ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни тубдан кенгайтириш ва уни янги босқичга кўтариш йўлида муҳим амалий қадамлар қўйилмоқда. Ана шундай иқтисодий ҳамкорликлар қаторига «Elektr Quvvat Qurilmalari» ток трансформаторларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган Ўзбек – Хитой қўшма корхонасининг фаолияти йўлга қўйилганини киритиш мумкин. Ушбу қўшма корхонанинг мамлакатимизда очилишидан мақсад хориждан импорт қилинаётган маҳсулотларнинг ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллий хом ашёлардан қарийб 30 фоиз фойдаланишни босқичма-босқич йўлга қўйишдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон ва Хитой давлатлараро ҳамкорлик кўмитасини ташкил этиш ҳамда Хитой Халқ Республикаси билан алоқаларни янада изчил ривожлантириш чоралари кўрилиши ҳақида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Энерготаймир» маҳсус таъмирлаш-ишлаб чиқариш очик акциядорлик жамияти ҳамда «Elektr Quvvat Qurilmalari» қўшма корхонаси ташкил қилинди. Қўшма корхонанинг таъсисчилари – «Holley Meteling Limited» Хитой корпорацияси, «Энерготаймир» маҳсус таъмирлаш-ишлаб чиқариш очик акциядорлик жамияти ҳамда «Elektron Xisoblagich» масъулияти чекланган жамиятидир. Хозирги кунда «Elektr Quvvat Qurilmalari» қўшма корхона 0,4 кВ кучлинига эга трансформаторларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлиб, биринчи босқичдаёқ йилга 100 минг дон трансформатор ишлаб чиқариш имкони мавжуд. Келажақда компаниялар ўртасидаги ҳамкорликни ошириш ва Ўзбекистон энергетика тизимидаги корхоналар учун маҳсулотлар турини ва хизмат кўрсатишни янада кенгайтириш, кучлиниши 35 кВгача бўлган ток трансформаторларини ишлаб чиқариш ва сотиш режалаштирилган. Республикада рангли металллар захиралари, маҳаллий хом ашё мавжудлиги, улардан тўлиқ фойдаланиш имкони борлиги, ҳамда «Holley Meteling Limited» томонидан инвестициялар ҳамда юқори сифатли маҳсулотлар билан таъминлашни инobatга олган ҳолда 2013-2014 йилларда 10 кВ ва ундан юқори кучлинига эга трансформаторларни ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Янги қўшма корхонанинг ташкили очирилиш маросимида «Ўзбекэнерго» ДАК бошқарув раиси Ботиржо Тешабоев, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Факултета ва Мухтор элчиси Чжан Сяо, «Holley Group»нинг бошқарув раиси Мейсин Дзинь сўзга чиқди. Қўшма корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар иқтисодий тизимиз раванқига, халқимиз турмуш даражасини янада фаровонлашувига хизмат қилади.

Зийда РАСУЛОВА  
Козим Ўлмасов олган сурат

### Ўзбекистон – хорижликлар нигоҳида СЕРҚУЁШ ДИЁРИНГИЗ ВА БАФРИКЕНГ ХАЛҚИНГИЗ БИЗНИ МАФТУН ЭТДИ

Ўзбекистон ўзининг ноёб тарихий ёдгорлик ва обидалари, хушманзара табияти, бетақрор маданияти ва меҳмондўст халқи билан жаҳон сайёҳларини ўзига ром этмоқда. Йилнинг тўрт фаслида ҳам юртимизнинг барча ҳудудларида кўплаб сайёҳларни учратиб мумкин. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбири пойтахтда айрим хорижлик меҳмонлар билан суҳбатлашди.

**Элмо ГРУНВАЛД (Германия):**  
– Тошкентнинг хушманзара табияти, мўтадил об-ҳавоси ва хуштаъм суви мени лол қолдирган. Орадан йигирма йил ўтиб, бу шаҳарга яна саёҳат қилдим. Тўғриси, шаҳардаги бундай улкан ўзгаришларни тасаввур ҳам қилмаган эдим. Замоनावий меъморлик асосида қурилган бино ва иншоотлар, сўлим ва баҳоли масканлар кўпчилиги таҳсинга лойик. Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш бутунлай ўзгаргани, янги меҳмонхоналар барпо этилгани жуда кувонarli. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик медалари эканини яхши тушунаман. Ширинсухан ва меҳмондўст халқингиз ҳар қандай кишида меҳр уйғотади. Ўзига хос урф-одатларингиз ва миллий анъаналарингизда халқингизнинг юксак маънавияти мурасим. Энг муҳими, диёрингизда тиричилик ва оқилоллик ҳукм сурмоқда. Бу сайёҳларни жалб этувчи энг асосий омиллардан биридир.

**Амит ҚАТРИ (Ҳиндистон):**  
– Ўзбекистонга бундан етти йил аввал ҳам келган эдим. Тошкент ва Самарқандни сайр қилар эканман, шаҳарларингизнинг таниб бўлмаган даражада ўзгариб кетгани, янада чирой очганини кўриб лол қолдим. Барча қулайликларга эга бозорлар, савдо мажмуалари эътиборини тортиди. Қўрама ва замоनावий меҳмонхоналар, юқори даражада хизмат кўрсатувчи ресторонолар, музей, театрлар ҳар қандай сайёҳнинг эътиборини тортиши табиий.

Мамлакатингизда бошқа соҳалар қатори темир йўл тармоғини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор. Самарқандда теозор «Афросиёб» электропоезидида бориб келдим. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, ушбу транспорт воситасида йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Салонларини қулайлиги, ходимларнинг орасталиги ва муомала маданияти ҳам кишига кўтаринки кайфият бағишлайди. Булар Ўзбекистон истиклол йилларида барча соҳаларда жадал ривожланаётганидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда)



### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Гулистон шаҳридаги «Бек қурилиш авто» МЧЖ жамоаси қурилиш-монтаж ишлари кўламини тобора кенгайтирмоқда. Йил бошидан буён 3 миллиард сўмлик иш бажарган бунёдкорлар айна чоғда шаҳардаги бир неча объектларни мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топшириш мақсадида меҳнат қилишяпти. Аини пайтда бу ерда янги лойиҳа рўёбга чиқарилмоқда. Яъни «Микрокредитбанк»нинг 662 миллион сўмлик кредити ҳамда корхонанинг 100 миллион сўм маблағи эвазига замоनावий қурилиш техникалари харид қилинмоқда. Бу иш суръатини янада жадаллаштириш имконини беради.

● Олтинсой туманидаги «Asiya – plast Oltinsoy» хусусий корхонасида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тадбиркорларга берилган катта эътибор туфайли маҳсулот ҳажми ошиб бормоқда. Ҳозир ойга 85-90 миллион сўмлик қувурлар истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Солиқ тўловидаги имтиёзлар эвазига тежалган маблағ фаолиятни кенгайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга сарфланмоқда. Хусусан, дастлаб бу ерда 3 киши меҳнат қилган бўлса, бугун уларнинг сони 10 нафардан ошди. Вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида 278 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, улар томонидан 8862 та иш ўрни яратилди.

● Навоий вилоят марказидаги «Зарафшон инвест» МЧЖ томонидан жорий йилнинг беш ойида 650 миллион сўмлик қурилиш маҳсулотлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Жамоа аъзолари қурилишда зарур бўладиган карбиткальций ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш ҳаракатида. Бунинг учун банк томонидан ажратилган 695 минг АҚШ доллар микдоридидаги кредитга замоनावий ускуналар олиб келинди. Хом ашё эса Томди туманидаги Оқтоғдан келтирилди. Бу каби лойиҳалар Зарафшон шаҳридаги корхоналарда ўтган беш ой ичида 20 миллиард 62 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида муҳим омил бўлди.

### ЖАҲОНДА

● Париждаги «Сотбис» савдо уйида машҳур мўйқалам соҳиби Жорж Сёрнинг «Япон диванида» номили асари қарийб беш миллион еврога сотилди. 1887-1888 йилларда яратилган мазкур асар расмоннинг энг сара ижодий ишларидан бири бўлиб, у узок вақт мобайнида ҳаваскор коллекционер тўламинида сақланган. Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, асарнинг номи Париждаги қаҳвахоналарнинг бирига атаб қўйилган.

● Америкалик олимлар кўкрак бези саратони касаллигининг энг оғир турига қарши вакцина ишлаб чиқдилар, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу касалликка чалинган беморларнинг кўкрак қисмида ривожланадиган зарарли ўсимта инсон танаси бўйлаб жуда тез тарқалади. Мазкур вакцина эса қондаги Т-лимфоцитлар таркибини камайтириб, ўсимтанинг ривожланишига йўл қўймайди. Маълумотларга қараганда, сичқонларда тажриба қилинган ушбу дори ижобий натижа берган. Шифокорлар мазкур вакцинадан нафақат саратон касаллигининг ривожланиш босқичларида, балки касалликнинг олдини олишда ҳам фойдаланиш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

● Япониянинг Фукуока шаҳри ҳокимияти шаҳар идоралари ходимларига спиртли ичимликларни фақат ўз уйида ичиши лозимлиги ҳақида фармойиш берди. Токио нашрларининг ёзишича, ҳозирча бир ойга мўлжалланган мазкур тақиқни бузган шахслар жиддий маъмурий жавобгарликка тортилади. Мамлакатнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган бу ҳудудда мазкур фармойишга мувофиқ, одамлар уйдан ташқарида фақат биригина ҳолатда – ўз тўйларидида ичиши мумкин. Бундай кескин чоралар кўрилишига ишчиларнинг маст ҳолда жанжал уюштираётгани сабаб бўлган.

### Пойтахтда 28 июнь кун «Германия иқтисодиёти кун» мавзусида бизнес-форум бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Германия иқтисодиётининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамда мамлакатимиздаги Германия иқтисодиёти клуби ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ва Германиянинг савдо-саноат, сармоя, сугурта, нефть-газ, банк-молия, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, автомобилсозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, кимё ва озиқ-овқат саноати, юқори технологиялар, логистика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, электрон маҳсулотлар, мебелсозлик, энгил саноат, геология, ахборот технологиялари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирилик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари катнашди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхон Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори савдо-иқтисодий соҳада ҳам изчил тараққий этаётганини, бунда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Мазкур анжуман ҳам ўзаро савдо-иқтисоди

дий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга хисса қўиши қайд этилди. Форумда германиялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция жалб этишининг устувор йўна-

### ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕРМАНИЯ ИҚТИСОДИЁТИ КУНИ

лишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Ангрен» маҳсус индустриал зонасида сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан танишдилар.

Германия сармоядорлари иштирокида мамлакатимизда умумий қиймати бир миллиард евродан зиёд кўлаб сармоявий лойиҳалар амалга оширилган. Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги юздан зиёд ҳужжатга асосланади. Улар орасида сармоявий, молиявий, техникавий соҳалардаги ҳамда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасидаги ҳамкорликка оид битимлар бор. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар муттасил ривожланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 118,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда германиялик сармоядорлар иштирокида тузилган 123 қўшма корхона, Германия фирма ва компанияларининг 47 ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар энгил саноат, тиббиёт ва фармацевтика, илмий тадқиқотлар, савдо, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, юк ва йўловчи ташиш ҳамда автомобиль хизмати каби соҳаларда иш юритади.

(Давоми 2-бетда)

### ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.  
✓ **КЕЧА** Ички ишлар вазирилик Академиясининг ўқув-дала полигонидида ўқув-машгулотларини муваффақиятли тамомлаган профилактика инспекторларига сертификатлар

ни топшириш маросими ўтказилди.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими томонидан 5-сон шаҳар юқумли клиник шифохонасида «Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш» мавзусида тадбир ташкиллаштирилди.

✓ **БУГУН** «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман Кенгаши томонидан туманда жойлашган ҳарбий қисмда «Биз буюк юрт фарзандимиз» шиори остида «Биз гийёҳандликка қаршимиз» мавзусида илмий-амалий давра суҳбати ташкил этилади.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза тумани «Тенгдош» маданият уйи ташаббуси билан Бўстонлик туманида жойлашган «Алоқачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Мустақиллик энг улғу, энг азиз неъмат» мавзусида давра суҳбати ва учрашув бўлиб ўтади.

Пойтахтимизда «Лизинг, суғурта ва аудиторлик хизматлари механизмларини янада такомиллаштириш масалалари: ҳозирги ҳолат, муаммо ва ечимлар» мавзусида амалий мулоқот ўтказилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда вазирлик ва идоралар, етакчи лизинг, суғурта ва аудиторлик ташкилотлари вакиллари, экспертлар, олимлар, тадбиркорлар ва кичик бизнес вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН МУЛОҚОТ ФОРУМИ

Тадбирда мамлакатимизда янги замонавий молиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш, лизинг, суғурта ва аудиторлик хизматларини янада ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари фаолиятига молиявий хизматлар кўрсатиш тизимини кенг жорий этиш ҳамда мазкур соҳаларда қўлланилаётган амалдаги қонунчиликни яхшилаш бўйича тегишли тақлифларни шакллантириш ва уларни ЎзЛиДеП фракцияси фаолиятида эътиборга олиш вазифаси ҳам таҳлил қилинди.

Маълумки лизинг, суғурта ва аудит каби молиявий хизматлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантиришда, уларнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда соҳани ривожлантириш учун қўлай муҳит ва тегишли ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, техника, технология ва бошқа асосий воситаларни лизинг асосида етказиб бериш, техник ва бошқа сервис хизматлар кўрсатиш, кредит ресурсларидан фойдаланиш, солиққа тортиш, суғурталаш борасида яратиб берилган кафолат, имконият ва имтиёзлар

уларнинг ривожланиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, 2002 йилда лизинг фаолияти билан шуғулланган субъектлар сони 17 та бўлган бўлса, ҳозирги кунда улар сони 80 дан ошди. Экспертларнинг фикрича, лизингга берилган объектлар орасида катта улушни қишлоқ хўжалиги техникаси ташкил қилган

бўлса, 2011 йил якунлари бўйича технологик асбоб-ускуналар етакчи ўринни эгаллади. Юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, махсус қурилиш техникаси, автотранспортга бўлган қизиқиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги мавжуд эҳтиёжлар миллий лизинг компаниялари фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган йил якунларига кўра, асосий капиталдаги инвестицияларда лизинг операциялари улуши 2,7 фоиз, молия хизматлари соҳасида 13,8 фоизни ташкил этди. Лизинг битимлари ҳажмида лизинг компаниялари улуши 67,1, тижорат банклари улуши 32,9 фоизни ташкил қилди. Бундан ташқари, 2011 йилда умумий қиймати 484 миллиард сўмдан зиёд 6 мингдан ошди лизинг битимлари тузилди ва лизинг хизматлари ҳажми 2010 йилга қараганда 10 фоиз кўпайди.

Мамлакатимиз суғурта бозорида 2007 йилда 27 та суғурта компаниялари 40 дан ортиқ хиз-

мат турлари билан фаолият кўрсатган бўлса, 2011 йилга келиб 37 та суғурта компаниялари томонидан 90 дан ортиқ хизмат турлари тақлиф этилди. 2011 йилда суғурта компаниялари томонидан тўпланган суғурта муқофотлари ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 36,6 фоизга ўсганлиги кузатилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни тайёрланди ва мазкур қонун жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб кучга кирди.

Шунингдек, давра суҳбати давомида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳамда йирик саноат корхоналарининг ривожланиб бориши натижасида аудиторлик хизматларига бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бораётганлиги таъкидланган бўлди. Амалий мулоқот якуни бўйича унинг иштирокчилари томонидан аниқ тақлифлар билдирилиб лизинг шартларини янада соддалаштириш, йирик саноат корхоналари учун замонавий технологияларни харид қилишда узоқ муддатли ва кам фоизли лизинг шартларини жорий этиш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларида лизинг компанияларнинг фаоллигини ошириш, суғурта хизматларини, айниқса, аҳолининг соғлиғи, мол-мулк, жавобгарлигини суғурталаш йўналишларида чекка қишлоқларга ҳам фаол кириб бориш, мамлакатимизда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда ишбилармонлар манфаатини ҳимоялашга қаратилган махсус суғурта акциялар жорий этиш, тизимга энг замонавий ахборот-коммуникация, юқори ҳимояланган ва тезкор ишловчи технологияларини жалб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Алиёр ОРИПОВ, «Туркистон-пресс»

СЕРҚУЁШ ДИЁРИНГИЗ ВА БАФРИКЕНГ ХАЛҚИНГИЗ БИЗНИ МАФТУН ЭТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дуилио БИАНЧИ (Италия):

— Ўзбекистондаги гузал манзаралар, улкан ўзгаришлар ҳар қандай одамни хайратга солади. Қўзна ва замонавий шаҳарларингиздаги бозорлар гавжум ва тўқин-сочинлиги, орастга озодлиги ва батариблиги кишида ҳавас уйғотади.

Тошкент шаҳри нафақат қадимий обидалари, замонавий кўприклар, кўркам биноларини улкан иншоотлари, рангин фавворалари билан ҳам мафтункорлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Пойтахтингизнинг Муस्ताқиллик майдони, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри майдонидagi ва бошқа жойлардаги фавворалар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ерда сайр қилган, ором олган ҳар қандай киши энгил тортади, кайфияти кўтарилиб, баҳри дили очилади.

Шафיק ҲОШИМ (Малайзия):

— Ўзбекистонга саёҳатим давомида Хива шаҳрини зиёрат қилдим. Қўлпаб тарихий-мезморий ёдгорликларга эга «Ичан-қалъа» музей-қўриқхонаси менга мафтун этди. Халқингизнинг узоқ ўтмишидан ҳикоя қилувчи нодир ёдгорликлар, тарихий обидалар унутилмас таассурот қолдирди. Айниқса, Қўзна Арк, Жомеъ масжиди, Пахлавон Маҳмуд макбараси каби ёдгорликлар ҳар қандай одамни хайратга солади. Ота-бобаларингизнинг зақоси, бунёдкорлик салоҳияти, она юртга меҳр-муҳаббатни мана шу ёдгорликларда намоён бўлган.

Мамлакатингизда халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида қўлпаб хайрли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим. Жумладан, замонавий жамоат транспортидан фойдаланиш учун барча қўлайликлар яратилган. Тошкент метроси станцияларини кўриб лол қолдим, ниҳоятда ўзига хос, бетакрор.

Ҳазрати Имом мажмуини зиёрат қилиб, халқингизнинг юксак бунёдкорлик салоҳиятига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ушбу иншоотларни зиёрат қилиш, Ўзбекистонда сақланаётган Усмон Қуръони номи билан машҳур муқаддас китобни кўздан кечиришга мушарраф бўлганимдан гоят бахтиёрман.

Элиана КВИНТАНА хоним (Испания):

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Мамлакатингиз, қадимий шаҳарларингиз тўғрисида кўп ўқиганман. Лекин ўз кўзинг билан қўришингиз завоқи бошқача бўлар экан. Саёҳатим давомида Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлдим. Мени, айниқса, тарихий шаҳарларингиздаги обидалар ўзига мафтун этди. Ўзбекистон заминида етиштирилаётган ноз-неъматлардан тотиб қўриш имконига эга бўлди. Ўзбек таомлари менга ниҳоятда манзур бўлди. Палов, кабоб, чучвара, норин... Ҳеч қаерда Тошкентдагидек мазали ва чиройли нонни учратмаганман.

Мамлакатингиз иқтисодиёти муттасил юксалиб бораётгани шаҳарларингизнинг бетакрор кифосида ақс этмоқда. Юртингизда ўтган ҳар бир куним ниҳоятда мазмунли ва унутилмас таассуротларга бой бўлди. Бетакрор маданият ва санъатга эга Ўзбекистон билан танишув ҳаётимда ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕРМАНИЯ ИҚТИСОДИЁТИ КУНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Биз Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан узоқ муддатли ва узаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, янги шериклар билан алоқалар ўрнатиш мақсадида келдик, — деди Германия Федератив Республикаси Штутгарт минтақаси савдо-саноат палатасининг департамент директори, делегация раҳбари Барбара Эффенбергер. — Мамлакатингизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказдик. Бу жараёнда Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг фаол ва самарали иш юритиши учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилганига гувоҳ бўлдик.

Анжуманда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, савдо-сармоя, нефть-газ, машинасозлик, қурилиш, логистика, электротехника, каби-молия ва ахборот технологиялари каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Германия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига янада кенг жалб этишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Германиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари таҳлил этилар экан, товар айирбўлаш ҳажминини янада ошириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Германия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Кунини кеча Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият ва истироҳат боғида Бутунжаҳон гнѐхвандликка қарши кураш кунини муносабати билан «Соғлом оила-соғлом авлод-соғлом келажак» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг туман бўлими, туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни турли ёт иллатлардан, хусусан, гнѐхвандлик, тамаки чекиш каби салбий оқибатларга олиб келувчи касалликлардан ҳимоя қилиш, соғлом оила қуриш, фарзанд туғилиши ва уларни жисмоний-маънавий баркамол қилиб тарбиялаш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, гнѐхвандликка қарши курашини тарғиб қилувчи саҳна кўринишлари, шоу дастурлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Мухаррам БОЗОРОВА

СУҒУРТА БОЗОРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Суғурта ташкилотлари капиталлашув даражасининг оширилиши натижасида уларнинг молиявий барқарорлиги таъминланаётган. Айни вақтда мамлакатимизда қирққа яқин суғурта компанияси ва йигирмата суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолият юритмоқда. 2012 йилнинг 6 мартидан кўчга қирган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун ушбу соҳадаги муносабатларни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётган.

Пойтахтимизда Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан ташкил этилган суғурта бозори инфраструктурасини ривожлантириш истиқболларига бағишланган конференцияда шулар ҳусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси бош директори Олим Жумабоевнинг таъкидлашича, аҳоли ва корхоналарнинг суғурта хизматларига талаби йилдан йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2011 йилда суғурта компанияларининг юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатган хизматлари кўлами 2010 йилга нисбатан 36 фоиз, жорий йилнинг ўтган даврида эса бу хизматлар кўлами 20 фоиз ошди. Айни пайтда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суғурта фаолиятини ривожлантириш, бу борадаги қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Zero, суғурта хизматлари бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотларнинг мулкрий манфаатларини ҳимоя этувчи самарали воситадир.

Суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида аджастер ва актуар ташкилотларининг фаолияти кенгайтирилиб, тегишли ҳуқуқий асослар яратилди. Илгари аджастер хизматлари фақат суғурта ташкилотлари ўқи суғурта қилдирувчига кўрсатилган бўлса, эндиликда бу хизмат бошқа истеъмолчиларга ҳам кўрсатилмоқда.

Актуар ташкилотлари эса шартнома асосида суғурта компаниясига хизмат кўрсатади, суғурта компанияларига суғурта қопламаларини аниқ ҳисоблашда ва тўлов қобилиятини аниқлашда тегишли тақлифларини беради. Бу суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини ошириб, табиий зарарларнинг олдини олишда кўл келади.

— Асосий фаолиятимиз аджастер ва ассистанс хизматлари кўрсатишдан иборат, — дейди «Agro invest assistance» масъулияти чекланган жамияти директори Сирожиддин Қаршибоев. — Бир йил давомида аджастерлик хизмати бўйича қарийб олти юзта даъво ишини кўриб чиқиб, тегиш-

ли хулосаларни суғурталовчиларга тақдим этдик. Миқдорларга кенг қамровли, кафолатланган, сифатли хизматлар кўрсатиш мақсадида эндиликда суғурта сюрвейери хизматини ҳам тақлиф қилмоқдамиз. Бунда суғурта шартномаси тузилганга қадар суғурта объектининг текшириш, фактлар ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиб, ҳисобот тайёрланади.

Конференция давомида суғурта бозори инфраструктурасини ривожлантириш, профессионал иштирокчилар фаолиятини назорат қилишни янада такомиллаштириш, суғурта маданиятини ошириш, суғурта фаолияти иштирокчилари ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир доирасида ташкил этилган кўргазмада суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан турли хилдаги суғурта хизматлари намоиш этилди.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири

Бугунги кунда турли мамлакатлар ҳаётини кузатар эканмиз, уларнинг айримларида юзага келаятган зиддиятлар, келишмовчиликларни кўриб, тинч-тотув турмушимизга, юртимизга кўз төгмасин, деймиз. Ана шу неъматни асрашда Ички ишлар тизими ходимларининг ўрни беқиёс. Ҳақиқатда ИИВ Академиясида 4-босқич тингловчиларининг тантанали битирув маросими бўлиб ўтди.

КАТТА ҲАЁТГА ҚАДАМ



Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу масканда фарзандларимиз учун замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ўқув хоналари, ошхона, спорт заллари эртаю кеч хизмат қилаётганини, малакали профессор-ўқитувчилар томонидан инновацион технологиялар асосида ўқув машғулоти олиб борилаётганини, битирувчилар олган билим ва кўникмаларини юртимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш, жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш, жамиятдаги барқарорликни таъминлаш йўлида сафарбар этишларини таъкидладилар ҳамда Олий Академик курси ва кундузги таълим битирувчиларини ўқишни муваффақиятли тамомлаб, лейтенант махсус унвони ва битирганлик ҳақида диплом олганлари билан самимий табриқладилар.

Шундан сўнг, Олий Академик курсларининг «Тергов фаолияти», «Тезкор-қидирув фаолияти», «Жиноятларнинг олдини олиш фаолияти» ва «Эксперт-криминалистик фаолияти» йўналишлари битирувчиларига дипломлар тантанали равишда топширилди. Ёш лейтенантлар тиз чўккан ҳолда кадрдон таълим масканининг байроғи билан хайрлашдилар. Ушбу дақиқалар нафақат битирувчиларнинг, балки уларнинг маросимда иш-

тирок этаётган қариндошлари ва яқинлари хотирасида ҳам ўчмас из қолдирди.

Уйлаймизки, Академияда таҳсил олиб, мутахассислик дипломларини ва офицерлик унвонини олган малакали ёш кадрлар амалиётда ўз ҳамкасблари билан бир сафда туриб, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш каби масъулиятли ва ўта муҳим вазифаларни бажаришларини, касбий тайёргарликни мунтазам ошириб бориш, хушмуомалалик, юксак маънавият, фуқаролар қалбига йўл топа билди ҳар бир битирувчи учун кундалик вазифа бўлиб қолади.

Тадбир сўнггида ёш офицерларнинг тантанали марши байрамнинг гултожи бўлди. Академия битирувчилари минбар рўпарасидан саф бўлиб ўтдилар.

— Ушбу даргоҳ мен учун катта ҳаёт мактаби вазифасини ўтади, — дейди Академия «Тергов фаолияти» йўналишини тамомлаган лейтенант Н. Файзиёв. — Бу ерда олган билим ва тажрибамни албатта эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида сарф этишга доим тайёрман.

Отабек ОТАЕВ Носир Ҳайдаров олган сурат

Илм-фан тараққиёти мамлакатимизда қатор янги йўналишлар ривожига хизмат қилмоқда. Ахборот технологиялари тури ва миқдори кенгайиши эса Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфидаги «Замонавий информатсион технологиялари» марказини ташкил этишни тақозо этди.

ЯНГИЧА ТАЛАБ, ЯНГИЧА ТАДҚИҚОТЛАР

Академия ахборот хизмати маълумотига кўра, мазкур марказ кибернетика фанининг истиқболлини белгилашда муҳим аҳамият касб этди. Zero, «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси «Замонавий илмий-техникавий марказ» мақомини олди. Илмий-техникавий марказ таркиби «Кибернетика институти» ва «Алгоритм-инженеринг» институти, «Автоматлаштирилган ва ҳисоблаш техникаси» махсус конструкторлик бюросидан иборат.

Бугунги кунда марказ ихтиёридаги «Алгоритм-инженеринг» институти фаолияти ҳам кенг ривож топмоқда. Республикамиз-

даги йирик саноат корхоналарини комплекс автоматлаштириш билан боғлиқ бўлган илмий текшириш ва лойиҳа конструкторлик ишларини бажаришда ҳам ютуқлар кўлга киритилди.

Бу ерда яратилган дастурий ва техникавий воситалар «Ўзбекнефтегаз» компаниясига қарашли йирик корхоналарда, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ҳам жорий қилинди. Шу билан бирга илмий изланиш ва лойиҳа конструкторлик ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Бу каби ишланмалардан аксарияти республика патент идораси гувоҳномасига эга.

Акбар АЛИЕВ

# ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси



**«Аёл фозила ва оқила бўлса, мўъжизалар ярата олади», — дейдилар. Дарҳақиқат, аёл зотининг бемисл ақли ва тийран заковати ёрдамида ёвларни енгиш мумкин. Оқиллик ва зукколик фазилатига эга бўлган оналар миллат маданиятининг хазинаси десак янглишмаймиз. Чунки, аёлнинг яхши фарзанд тарбиялаб беришининг ўзи жамият учун қилган энг катта хизматиридир.**

## Тадбирлар

### АЁЛИНИ АРДОҚЛАГАН ЮРТ

Яқинда ана шундай ўз «мен»ини асрай олган, виждонини байроқ қилиб яшаётган фидойи, замондош аёлларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи «Аёл яратган дунё» номли китоб нашрдан чиқди. Оилада, жамият ишида фаол, яхши фарзандлар тарбиялаб эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказган, бутун ҳаётини ҳалоллик деган мезон асосига қурган ва шу асосда яшаётган аёллардан 381 нафари жам бўлган мазкур китоб чин маънода аёл зотига берилган юксак эътибор намунасиридир.

Мустақиллик пойдевори кимлар ёки нималар эвазига бунёд бўлади, — деган савол туғилганда бемалол мана шундай фидойи аёлларни айтиш мумкин. Хамиша ва ҳамма даврларда ҳам тараққиёт пойдевори шундай ўзини унутиб, хамиша ўзгаларга яхшилик соғиниб яшайдиган, эл тинчлиги, юрт тараққиёти учун хизматга шай бўлган инсонлар ҳаракати ва меҳнатлари эвазига қад ростлайди.

Узбекистон Фанлар академияси Асосий кутубхонасида мазкур китоб тақдироти бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда «Аёл яратган дунё» китобининг муаллифлари, ноширлари, шоирлар ҳамда китоб қаҳрамонлари иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Фанлар академияси Асосий кутубхонаси раҳбари Зухраҳон Бердиева кириш сўзи билан очиб берар экан, мустақиллик йилларида юртимизда аёлни улуглаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, унинг жамиятдаги нуфузини ошириш борасида қабул қилинган барча муҳим ҳужжатлар хотин-қизларнинг истеъдод ва иқтидорини, имкониятларини намоён этишга қаратилганлиги, давлатимиз раҳбарининг аёлларга бўлган эҳтироми ҳақида таъкидлаб ўтди.

Тадбирда иштирок этган ёш истеъдодли санъаткорларнинг жонли ижродаги дилбар куй ва қўшиқлари тадбирга янада фойз киритди.

Феруза ОРИПОВА

**Истиқлол шарофати туфайли юртимизда барча соҳалар сингари санъатга иштиёқманд ёшларни излаб топиш ва уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш мақсадида барча шарт-шароитлар яратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшларимиз эса ўз истеъдодларини тўла намоён этиб, бутун куч-қудратини, билим ва ижодий тажрибасини бунёдкорлик ва яратувчанлик йўлида сафарбар қилишмоқда.**

## Нишондорларимиз

### ИСТЕЪДОДНИНГ ЁРУФ ШУЪЛАСИ

Ёш мусаввира Бибиноз Каипова ана шу мақсад йўлида дадил одимлаётган истеъдодли ёшларимиздан бири. Тасвирий санъатнинг ранг-тасвир йўналишида ижод қилаётган Бибиноз ўз асарлари билан нафақат юртимиз, балки хорижийлик муҳлис ва мутахассисларнинг эътирофига ҳам сазовор бўлиб келмоқда.

Бибиноз Каипова қалбда тасвирий санъатга бўлган қизиқиш эрта уйғонди. Нафақат кўчли истеъдод, балки оиласидаги соф ижодкорона муҳит уни ранглар дунёсига асир қилди.

Отам Бозорбой Каипов ва тўнғич акам Жалғаз мохир расом бўлганлари боис, соатлаб уларнинг олдига ўтириб, ижодий жараёни кузатишни ёқтирдим. Уларни оддийгина ранг-бўёқлардан фойдаланиб, оппоқ қроғозларда гўзал ва нафис асарларни яратиши мени том маънода лол қолдирарди. Бутун вужудим ва қалб ҳароратим билан ижод қилиш хисси сари талпинардим, — дейди Бибиноз. Ёш қизалоқнинг қалбидagi санъатга бўлган чексиз муҳаббатни пайқанган ота-онаси уни ихтисослаштирилган санъат-мактаб интернатига олиб келишди. Бу даргоҳда Бибиноз устозларидан тасвирий санъатга оид илк сабоқларни ола бошлади. Мактабда ўқиш жараёни билан бир вақтда шаҳар ва туман миқёсида ўтказилган кўплаб танлов ва фестивалларда иштирок этиб, фахрли ўринларни кўлга киритди. У кўнгил билан ишлар ва ўз истеъдодини намоён этиш йўлида тинимсиз изланарди.

2007 йил Ҳиндистонда ўтказилган Шанкар номидаги халқаро болалар кўрик-танловда расомчилик йўналиши бўйича кумуш медални кўлга киритди. Айнан шу йили Польшада ўтказилган халқаро танловда ҳам махсус дипломга лойиқ кўрилди.

2009 йили пойтахтимизда ўтказилган «Тасвирий санъат ҳафталиги»да муваффақиятли иштирок этиб, фахрли биринчи ўрин билан тақдирланди. Кўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятларининг самараси ўларок 2011 йили «Зулфия» номидаги давлат мукофотининг совриндори бўлди. Бундан

ташқари «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камалак» болалар ташкилоти томонидан ўтказиладиган турли танлов ва фестивалларнинг мунтазам иштирокчисига айланди. Тасвирий санъатга оид билим ва тажрибаларини янада бойитиш мақсадида Бибиноз ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатини тамомлаб, 2011 йил Тошкент шаҳридаги республика болалар расомлик коллежига ўқиш учун ҳужжат топширади ва имтиҳон асосида қўшиқ қабул қилинади.

— Менга кўпроқ машҳур рус расоми Шишкин асарлари ёқди, — дейди Бибиноз. — Гўё бу буюк ижодкор билан мени қандайдир муштарак ҳислар боғлаб туради. Ижодда жўшқин лирика ва соф реалистик услуб қорилишини қўришимиз мумкин. Шишкиннинг буюклиги шундаки, ўз асарларида ҳатто энг майда деталларни ҳам безътибор қолдирмайди. Айтилайлик у фусункор табиат қўйнида савлат тўкиб турган дарахт манзарасини чиқди, шунчаки дарахтнинг қўрқамлигига махлиб бўлиб қолмасдан, унинг гўзаллигини баргларидан, ана шу баргларни озиклантираётган майда томчиларидан излайди ва бу жозибани ўз асарларида ортиқча чапламай, бўрттирмай бор бўйича тасвирлайди. Асарларимда табиийлик ва гўзаллик уйғунлигига эришиш учун Шишкин ижодини кўпроқ кузатаман ва унинг илҳомбахш асарларидан завқланиб, ҳаёлот оламимни ва тасавуриمنى бойитаман.

Бибиноз билан сўхбатимиз чоғида уни ёш бўлишига қарамай, теран фикрловчи, дунёқарашни кенг, зехни ўткир, қалби ижодга пайваста, диди юксак, таъби эса нозик ижодкор эканлигини ҳис қилдик. Эртаимиз эгаларидан бири бўлган бу ижодкор қизнинг келажақдан умидлари бисёр. У коллежни тамомлаб, Камолитдин Беход номидаги миллий расомлик ва дизайн институти талабаси бўлишни ва келгусида мохир расом бўлиб етишишни орзу қилади. Биз унга эзгу мақсадлари йўлида омад ва зафарлар ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.

**Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ,  
Жавлонбек ЖОВЛИЕВ,  
Ўзбекистон Давлат санъат институти талабалари**

**Оила муқаддас даргоҳ, оила буюк кўрган, оила ватан ичра ватандир. Бу сўзларни ҳар бир юртошунимиз чуқур англаган ҳолда, ўз қалбига чуқур жо қилмоғи лозим.**

Бу иборда, элимизнинг тинчлиги, халқимизнинг буюк маънавияти ва маърифати, осойишталиги, фаровонлиги, фарзандларимизнинг бахт ва икболи муҳассамдир.

Дарҳақиқат, барча ишларимиз оиладан бошланади. Оила тинч бўлса, маҳалла тинч бўлади, маҳалла тинч бўлса, ватанимиз осуда, обод бўлади.

«Мустаҳкам оила» деганда биз, ували-жували бўлиб, қўша-қариган, касб-корли, меҳроқибатли оилаларни тушунашим.

қадрлаган, халқ хурмати ва меҳрига сазовор бўлган инсонлар яшайдилар.

Айни пайтда маҳалламизда 5900 нафар фуқаролар истиқомат қилиб, улар бирдамликни, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни шиор қилиб олган

ҳолда бир-бирларини қўллаб, аҳил, иноқ бўлиб, ҳамкор ва ҳамқаддам бўлиб фаолият олиб бормоқдалар.

1105 нафар оиладан, 220 таси ёш оилаларни ташкил қилади. Ҳар ойда маҳалла фаоллари, ёшлар билан ҳамкорликда турли мавзуларда тадбирлар, мутахассислар билан учрашувлар, давра сўхбатлари ўтказилиб турилади.

Ўтказилаётган тадбир замирида, фуқароларимизнинг бахтли ва фароғатли турмушлари, ёшларимиз-

нинг осойишта ҳаёти, баркамол авлоднинг нури ва порлоқ истиқбол, асосийси эса, маҳалланинг тинч-тотувлиги қамраб олинган.

Маҳалламизда турли миллат вакиллари бир аҳил оила бўлиб яшаб, миллатлараро муносабатни ривожлантириш ва юртимизда тинчлик-тотувликни таъминлашда кўнлик-кўлга бериб, ҳаёт гаштини сурмоқдалар.

Айниқса маҳаллада истиқомат қиладиган Ўзбекистон Давлат консерваториясининг талабаси Комилжон Саидовнинг кўзи охиб бўла туриб, шу тоифадаги ўқувчилар учун «Шашмақом» ноталарини шу ёзувга ўгириб испаниялик ҳомийлар ёрдамида нашр эттиргани тарих учун олтин бир мерос бўлганининг ўзи эътирофга лойиқдир.

Аммо биз ёши улуглар фарзандларимизнинг келажаги учун янада теран нигоҳли бўлмоғимиз, уларни оғоҳликка даъват этган ҳолда турли оқимлардан асрашимиз, оилаларда ҳар бир шахснинг ҳуқуқий, тиббий педагогик билимларини ошириб боришимиз лозим. Президентимиз айтганларидек, «фарзандларимиз бизданга кучли, илмли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт».

**Машҳура ТУРОПОВА,  
«Исломобод» маҳалласи  
намунали оила вакили «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси,  
меҳнат фахрийси**

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

### ОИЛА ҚАНОТИ

**Ҳаётда никоҳдан кейин фақат муҳаббатнинг ўзи билангина яшоб бўлмайди. Оилавий бурч ҳамда вазифалар, қолаверса келин ё кўевнинг ота-онаси ва яқин қариндошлари олдидagi мажбуриятлари ҳам бор. Буларни тўла-тўқис бажариш жараёнида гоҳо тушунмовчиликлар, низолар келиб чиқади. Психолог олимпиа Зулуҳумор Азизованинг аёлларга маслаҳатлари никоҳдача бўлган кучли муҳаббатни оилавий турмушда ҳам сақлаб қолишга ёрдам беради деб ўйлаймиз.**

### ИФОРИНГИЗ БИЛАН СЕҲРЛАНГ

Халқ ичида «Эрак кўзлари билан севади» деган ҳикоят бор. Бу бежизга айтилмаган. Аёлнинг мунаваар чеҳраси, қулиб турган кўзлари эрига ҳаммиса хуш қарилти бағишлайди. Айниқса ундан ёқимли ифтор таярлаб турган бўлса нур устига аъло нур!

Эрак ишдан келар маҳали қандай юмушингиз бўлса ташлаб, ўзингизга оро беришга вақт ажратинг. Либосларингиз умр йўлдошингиз ёқтирган рангда бўлсин. У яхши кўрадиган атирдан селинг. Соҳларингизни турмакларда ҳам бунчи ҳисобга олинг.

Ташқи кўринишингизда кўнглингдаги чиройли фикрлар ҳам барқ уриб турсин. Яъни умр йўлдошингизни яхши сўзлар билан қарши олинг, айниқса чарчаб келганда бисотингиздаги энг ширин сўзларни топиб айтинг.

### ҒАЛАБА ФАҚАТ ФУТБОЛДА БЎЛАДИ

Оилада баъзан тортишувлар бўлади, шундай вақтда аёл «барибир мен ҳақман» деб туриб олиши асло яхшиликка олиб бормайди. Албатта эрак тортишув чоғида аёлнинг ўзидан балоқд келишини истамайди. Аксинча аёл қанча тез ён берса эрак ҳам дарров мағлуб бўлиб қўяқолади.

Шуни унутмангки ғалаба фақат футболда бўлади. Зеро оила футбол майдони эмас! Демак, ўзаро тортишувларда аёл биринчи бўлиб паст тушиши лозим. Шундагина муаммо чўқурлашиб кетмайди, тортишув жанжалга айланмайди, балки эракнинг узр сўраши билан якунланади-қўяди.

### ЯҚИНЛАРИНИ ЁМОНЛАМАНГ

«Сизнинг онангиз кеча ундок деди, бугун бундок деди, мени ёқтирмапти, у кишига нима ёмонлик қилдим» деган гап-сўзларни синҳор-базинҳор тилга олманг. Билингни эрингиз қанча яқин бўлса, унинг қариндошлари ҳам сизга шунчалар яқин бўлиши керак. Агар уларни худда-бехудда ғийбат қилверсангиз бунинг учун эрак сизни асло кечирмайди. Бордию кечирса ҳам сиздан аста-секин совий бошлайди. Чунки қариндошлари унга сиздан кўра яқинроқ бўлиб келган, токи сиз ёмонлаганингиз билан уларни ёмон кўриб қолмайди, сизнинг гапингиз билан улардан кечиб ҳам кетмайди. Аксинча яқинларини умр йўлдошингиз қанчалик қадрласа, сиз ундан ҳам ошириброқ иззатланг. Ана шундагина эрингизнинг ҳам, яқинларининг ҳам хурматини қозонасиз.

### ФАРЗАНДЛАР ИБРАТ ОЛСИН

Ўғил ё қизингизга хамиша отасини ўрнак қилиб кўрсатинг. Чунки болалар энг аввало ўз ота-оналаридан ибрат олиб улғайишади. Эрингизнинг айрим камчиликлари ҳақида болаларга айтиб ўтирманг. Улар бундан норози бўлган чоғда ҳам, сиз турмуш ўртоғингизнинг ёнини олинг, хали хаммаси ўрнига тушиб кетиши мумкинлигига фарзандларингизни ишонтиринг.

Оилада ота хурмати зиёда бўлса, фарзандларнинг қадди тик, руҳияти балоқд бўлади. Ҳар бир муаммони ҳал этишда ҳам аввало отадан фикр сўраш лозимлигини ўғил-қизлар тушуниб етишсин. Айрим масалаларни оила даврасида ҳал этатиб ҳал қилувчи гапни фақат ота айтиши керак деб ҳисобланг, шунда фарзандлар ҳам бунга ўрганади. Болалар олдига уларга тааллуқли бўлмаган нарсалар ҳақида сўзлашмаганингиз маъқул.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА ёзиб олди

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!**

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: I. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 25.07.2011 й.даги 1-8817/11-сонли икром варақасига асосан тақдим этилган, бошланғич нархи – 52 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Генерал Узоқов кўчаси, 60-А-ўйда жойлашган умумий фойдаланиш майдони 63,38кв.м., яшаш майдони 40,56 кв.м., 3 хонали 151-хонадон. II. Чилонзор тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 21.02.2011 й.даги №1-1201/11-сонли икром варақасига асосан тақдим этилган, бошланғич нархи – 60 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 22-ўйда жойлашган умумий фойдаланиш майдони 55,92 кв.м., яшаш майдони 37,07 кв.м., 13-хонадон.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 3 август кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йилнинг 3 август кунини сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 24 август кунини бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10%дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039

**«KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!**

Такроран аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: I. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 20.04.2012 й.даги 1-785/12-сонли икром варақасига асосан тақдим этилган, бошланғич нархи – 200 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Хувайдо кўчасида жойлашган умумий майдони 473 кв.м., асосий бинолар сони 4та, ёрдамчи иншоотлар сони 6та, қурилиш остидаги участка майдони 156,01 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 86,16 кв.м. бўлган 21-уй (ховли). II. Яқкасарой тумани СИБ томонидан 10.10.2007 йилдаги ЖХС-1-511/2007-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, 1-тор Рақатбоши кўчасида жойлашган Д. Бекмуҳаммедова тегишли бошланғич нархи 328 330 745 сўм бўлган, уй жойининг умумий майдони 203,70 кв.м., умумий ер майдони 325,0 кв.м. дан иборат бўлган кичи қаватли 15-уй-жой (ховли) қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 20 июль кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10%дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039

**«SPARETRA» МЧК ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!**

Савдога Олмазор тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 12.06.2012 й. № 19628/17-сонли икром ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч. «Ваз-2103», д/р. 30 Е 5742 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 729 137,6 сўм. 2. 26.04.2011 й. № 14028/19-сонли икром ҳужжатига асосан 2005 й. и/ч. «Ласетти» д/р 01 Р 566 FA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 21 800 000 сўм. Автотранспорт воситалари Олмазор тумани Себзор жойида майдонда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 30 июль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 30 июль кунини савдога сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 14 август кунини бўлиб ўтказилишига маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаментини вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчилиги билан тузилганда закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧК ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИИН: 301829604., Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Илғак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

# ЁШЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА БОРИШАДИ...

**Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 22 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги нуфузи жиҳатидан Осиёда биринчи ўринда турувчи турнир, яъни илк маротаба ташкил қилинадиган Осиё чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.**

Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан 2013 йилнинг январь ойида ўтказиладиган мазкур чемпионатга чиқиш учун қўлдаманинг энг сара 41 терма жамоаси етти гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашишмоқда.

Мазлумки, 14 февраль куни ташланган кўра натижаларига кўра, Ўзбекистон «D» гуруҳида Иордания, Яман, Бангладеш ва Непал терма жамоаларига қарши гуруҳ пещкадамлиги учун кураш олиб бориши Осиё Футбол Конфедерацияси томонидан тасдиқланган. Шу куни 22 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати «D» гуруҳи саралаш ўйинлари Непал мамлакатига бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси йигитлари турнирдаги дастлабки икки учрашувни ўз фойдаларига ҳал қилишди. Ёш футболчиларимизнинг бангладешликлар билан ўйини тенг курашлар остида ўтди десак муболага бўлмайди. Оғир кечган баҳсада ҳамюртларимиз 2:1 ҳисобида ғалабани тантана қилишди. Айниқса мезбонларга қарши ўтказилган баҳс саралаш мусобақаларининг энг эсда қоларлиси бўлди.

Асосан «Машъал», «Бунёдкор», «Шўртан» вакилларидан ташкил топган термаимиз вакиллари бир-бирини тушунган ҳолда аъло даражада ўйин кўрсатиб, мураббий ва мухлисларнинг уларга бўлган ишончларини оқлашди. Кейинги ўйинларда ҳам йигитларимиз ғалабага лойиқ эдилар, лекин футболда тажрибадан кейинги нарса албатта бу — омад. Шу тариқа учинчи турда яманликлар билан рақобатлашган юртимиз вакиллари 1:1 ҳисобидаги дурангга эришишди.

Ўйин аввалида ҳисобни очган вакиллариимиз иккинчи бўлимда тизгинни рақибларга бериб қўйиш ва ҳимоямиздаги саросималикдан фойдаланган яманликлар таблодаги ғаниб турган дурангни ташминлашди. Сўнгги турда вакиллариимиз қўлланганда ўзларининг азалий рақиблари Иорданияни қабул қилди ва 3:1 ҳисобида имкониятни бой берди. Шунга қарамай, етти очко билан мусобақа жадвалида иккинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 22 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Раббонакул МУХТОРОВ

Айни кунларда об-ҳавонинг кескин исиб кетиши натижасида одамларда офтоб уриши ва сувсизлини ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Шундай экан, инсон организмнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг ташқи муҳит таъсирига мослаша олишидир. Иссиқ иқлим шароитига мослашишда организмни чиққиртириш, вақтида овқатланиш, ҳатто терлашини роли катта.

Одам организмда моддалар алмашиш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқлик узулусиз ташқарига чиқиб туради. Масалан, мушакларнинг бир кеча-кундуз энгил ишлаши натижасида организмдан уч минг катта калорияга яқин иссиқлик чиқади. Яна бир мисол: одам танасидан кеча-кундузда ажралиб чиққан иссиқлик билан уч тонна ҳажмидаги сув ҳароратини бир даражага кўтариши мумкин.

Инсон организмда иссиқлик энергияси ҳосил бўлиши билан бирга айни вақтда уни тарқатиш жараёни ҳам давом этади. Бу эса асосан буғланиш ва терлаш ҳисобига амалга оширилади. Бу борада одам терисининг аҳамияти каттадир. Агар одам териси термос деворига ўхшаб иссиқ ўтказмайдиган хусусиятга эга бўлганда, тана ҳарорати бир соат ичида 1,5 даражага кўтарилиб, 40 соатдан сўнг кайнаш нуктасига етарди. Организмда тўтовсиз давом этадиган иссиқ алмашиш жараёни икки соат давомида издан чиқса, саломатликка салбий таъсир этади, натижада тана ҳарорати уч даражага кўтарилиши мумкин. Бундай ҳол узоқ давом этиши киши саломатлигига пугур етказиши. Одам кам ёки кўп терлаши билан неча сабаблар — кунлик ҳаво ҳарорати, кўёш нури таъсири, шамол тезлиги, ҳаво намлиги, кийим ранги ва қалин-юпқалими, иш шароити, ниҳоят организмнинг ҳолати ва бошқаларга боғлиқ.

Тошкент шаҳри корхоналаридаги ишчиларнинг кузатишидан шу нарса аниқландики, ёз фаслида ҳар бир киши ўрта ҳисобда тер билан 4-5 литр сув ва 20-30 грамм ош тузи йўқотар экан. Одам танасидан тер ажралиши ва унинг буғланиши тананинг совийшига сабаб бўлади.

Иссиқ ҳаво ва кўёш нури таъсиридан тана қизиб кетиши натижасида куйидаги ҳолатлари кузатиш мумкин: гипертермия ёки тананинг қизиб кетиши, кўёш уриши, организмнинг турли ҳолатда сув йўқотиши. Бундай кунгилис ҳолатлар, вазиятга қараб алоҳида ёки биргаликда содир бўлиши ҳам мумкин.

Гипертермиянинг энгил турида иштаха йўқолади, чанкайди, лоҳас бўлади ва уйку босади. Организм ҳарорати кўтарилиб, қон томир уриши ва нафас олиш тезлашади, терлаш кучаяди. Уртача гипертермияда юқоридаги аломатларга бош оғриши ва айланishi, нафас қисилиши, тери юзаларининг қўқираб кетиши ҳамда буланиши кўрилади. Иссиқ урганда ҳароратнинг кўтарилиши билан бир вақтда: беҳуш-

лик, лаблар қўқариши, қон-томир уриши тезлашиб, сўнг сусайган бўлади, терлаш ҳам қамаяди, айрим ҳолларда тўхтаб қолиши мумкин. Кўёш урганда тана ҳарорати озгина кўтарилади. Бошқа клиник белгилар эса иссиқ урганда ўхшаш бўлади. Организмнинг ортиқча сув йўқотиши натижасида «сувга ташналик» ҳолати юз беради. Бунда одам сув ичган сари ичгиси қалаверди. Танадан ажраётган тер бўғланмай, томчи ҳолатида ажралиб чиқади, натижада организм ҳарорати пасаймайди. Оғир ҳолатларда эса чексиз ташналик, иштаха пасайиши, дармонсизлик, қорин-ичак фаолияти бузилиши ва мўвзаянати сақлаш қобилиятининг сусайиши юз бериши мумкин.

Юқоридаги ҳолатлар содир бўлганда дарҳол гипертермия иссиқ алмашиш қобилиятини тиклашга ҳаракат қилиш керак. Умуман, ҳамма ҳолларда ҳам беморни юқори ҳарорат ҳамда кўёш нури таъсиридан



Отабек Мирсоатов (ЎЗА) олган сурат

**«Барқамол авлод» Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида «Ўзлигиндан айланай ўлкам!» кўрик-танловининг Республика босқичи бўлиб ўтди.**

## ЎЗЛИГИНДАН АЙЛАНАЙ ЎЛКАМ!

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан вилоят босқичида сараланган голиб-ўқувчилар жамоаси иштирок этди. Унда жамоалар миллий аънава, урф-одатлар, кўшиқ ва лапарлар тасвири туширилган презентация (кўргазмалар тақдирот) орқали истеъодларини намойиш этишди. Деворий газеталар танлови ҳам ташкил этилди. Шунингдек, ўқувчиларнинг илмий кузатувчанлиги ва мустакил фаолиятини ривожлантириш мақсадида «Кўз билан чамалаб режалаш» синови ҳам ўтказилди. Ўқувчилар тест синови ҳамда эркин мавзу шартларида ҳам куч синашди.

Юртимизнинг қадимий тарихи, халқимизнинг бой маданий меросини ўргатиш орқали ёшларнинг маънавий-ахлоқий камолотига эришиш асосий вазифадир. Ўлкашунослик ва ўзлиқни англаш ҳақиқатан кенг тарғиб этиш, ўқувчилар ўртасида дўстлик ва ихтимомий ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш лозим. Миллий кадрларга ҳурмат билан қарайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқоди ва қарашларига эга ёшларни камолга етказиш ҳам кўрик-танловнинг асосий мақсади.

Кўрик-танловда Наманган вилояти олий ўринга, Навоий вилояти жамоаси эса биринчи ўринга муносиб топилди. Иккинчи ўрин Самарқанд ва Хоразм вилоятлари, учинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ҳамда Сурхондарё вилоятлари жамоаларига насиб этди. Фарғона ва Андижон вилоятлари вакиллари ҳам фаол иштироки учун рағбатлантирилди.

Барно МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Мутахассис маслаҳат САРАТОН ИССИФИДАН САҚЛАНИНГ

Мутахассис маслаҳат САРАТОН ИССИФИДАН САҚЛАНИНГ

Саратон ойларида эркаклар сочини тез-тез устара билан олдириб, бошига офтоб ўтказмайдиган оқ рангдаги энгил бош кийим кийиб юришга одатланиши сочини мустаҳкам қилишнинг муҳим омилларидан биридир.

Саратонда кун режими, шахсий гигиенага амал қилиш лозим. Ёз кунларида барча соха кишилари ишни эрта бошлашга, куннинг қизиган вақтида эса дам олишга одатлансалар, меҳнат унвондорлиги яхши бўлиши шубҳасиз. Иссиқ кунларда ишдан кейин илқк душда чўмилиш ёки ванна қабул қилишга одатланиш организмни чиққиртиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

А.ТОХИРИЙ, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси

соя-салқин ерга олиб чиқиш лозим ва эркин ҳаракатни қийинлаштирувчи кийимлардан холи қилиш, сув ичиши, бош ва кўкракка латтани совуқ сувга хўлаб бош кўтарилган ҳолда босиш зарур. Беморга сув ичиришнинг иложи бўлмаса, тери ости ёки вена қон томирига шифокорлар ёрдамида физиологик сувоқлик юбориш керак. Иссиқ иқлим шароитида серёв овқатларни бирмунча камроқ, янги сабзавот ва турли мевалардан кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Ёз кунлари овқатларни бир оз шўртанроқ еган яхши, чунки иссиқ ҳарорат таъсирида тер орқали танадан ош тузи керагидан кўпроқ ажралиб чиқади, бу эса тўқималарнинг ўз таркибида сувоқликни сақлаш қобилиятини пасайтириб юборади.

Овқатланиш режимида келганимизда, у асосан иш режимида нонанд тузилиши лозим. Саратонда кундалик истеъмол қилинадиган овқатнинг асосий қисмини эрталаб ва кечки пайтда ейиш, тушда эса янги сабзавотлардан тайёрланган, ўз таркибида етарли оксилга эга бўлган овқатларни истеъмол қилиш яхши натижа беради. Кун иссиқда кўк чой ичиш жуда фойдалидир. Турли янги мевалар — олма, ўрик, айниқса, олчадан тайёрланган шарбат ва коктейллар ҳам ташналикни яхши қондиради. Ичимликларни эрталаб ва кечқурун тўйғунча ичиш мумкин. Туш пайтида эса ортиқча истеъмол қилиб бўлмайди. Иссиқ иқлим шароитида тўри кийиниш ҳам саломатлик гаровидир. Турли рангдаги сунъий капрон тўқималар ёки қалин ялтрок материаллардан тикилган кийимлардан кўра, синювдан яхши ўтган оқ матодан, энгил лавсандан тикилган кийимлар иссиқ иқлим шароитида жуда қулай.

Бизнинг иқлим шароитимизда саратоннинг энг иссиқ ойларида инсонлар офтобдан сақлайдиган кўзойнак тақийлар жуда фойдалидир. Саратон ойларида эркаклар сочини тез-тез устара билан олдириб, бошига офтоб ўтказмайдиган оқ рангдаги энгил бош кийим кийиб юришга одатланиши сочини мустаҳкам қилишнинг муҳим омилларидан биридир.

Саратонда кун режими, шахсий гигиенага амал қилиш лозим. Ёз кунларида барча соха кишилари ишни эрта бошлашга, куннинг қизиган вақтида эса дам олишга одатлансалар, меҳнат унвондорлиги яхши бўлиши шубҳасиз. Иссиқ кунларда ишдан кейин илқк душда чўмилиш ёки ванна қабул қилишга одатланиш организмни чиққиртиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

А.ТОХИРИЙ, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» МЧЖ (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси томонидан баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Яққасарой тумани СИБ томонидан Асака банк Юнусобод филиали ҳовлисида сақланаётган 17.03.2011 йилдаги 10-1008/7973-сон ижро варақасига асосан 2008 йилда и/ч/к, дав.бел. 10 ВН 151 бўлган «Хундай Соната» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 63 135 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 2 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари 2 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 23 август куни бўлиб ўтади.

2012 йил 19 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий очик аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан МЧЖ «Нумизматика» автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган 18.01.2011 йилдаги №1301 сон ижро ҳужжат, асосан 2009 йилда и/ч/к, дав.бел. 01 677 LAА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи — 15 300 000 сўм.

Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳорсининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, АТИБ «Илоптака банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИИН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан арива ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан арива ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59

**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми? Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми? Унда шошилиб таваккал қилманг. Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совиришингиз мумкин.**

**Кўчмас мулк бозорига 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.**

**Бунинг учун жамиятимизнинг юқори маалакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига кўнгиноқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шақланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.**

**Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.**

**Нуротман! «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ кўчмас мулк бозорига энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.**

Сергели тиббиёт коллежи томонидан 2004 йили Эрназарова Дилафрўз Исмаиловна номига берилган 3640 (рўйхат рақами D № 062783) сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ОЗ-ОЗ ЎРГАНИЧ ДОМО БИЎУР

### МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Аёл оқила, хушмуомала хонадонда ҳар кун куёш чарақлайди.

Ким кўзбўямачи, Ким сўзбўямачи.

Одамларнинг худбинлиги чек-чеғарани билмайди.

Тушкун кишининг кайфияти ҳеч қачон яхши бўлмайди.

Майда-чуйда ишларнинг баракаси бўлмайди.

Ҳам нодон, ҳам аҳмоқ бўлиш нақадар бадбахтлик.

Нодонлик дардига даво бор, лекин аҳмоқлик бир дарди бедаволикдир.

Нодонга садқаи гап.

Ҳаётнинг ўзи барчасини жой-жойига қўяди.

Кимнинг аслида кимлиги галвир сувдан кўтарилганда маълум бўлади.

Инсон имкониятидан келиб чиқиб ўз олдига мақсад қўйиши керак.

Муайян воқеага ҳар ким ҳар томондан баҳо беради.

Оғизда паҳлавон, амалда нотавон.

Кишининг кўзи кўр.

Одамдан яхшиси ҳам йўқ, ёмони ҳам.

Нақд азий, вақт хор.

Вақтнинг эгаси бор.

Ҳар ким ўзида борини — ким ақлини, ким ҳуснини, ким кучини, ким пулини кўз-кўз қилади.

Ким дунёдан ўтади, дунё кимдан ўтади.

Тўйган нарсангдан ҳафсаланг пир бўлади. Ташна бўлиб юрганга нима етсин!

Ҳикматли сўзлар — Ибратни кўзлар.

Тилинг эмас, ишинг сўзласин.

Рақиб юзига қўл билан эмас, иш билан ур.

Феълингга яраша йўлинг.

Табиатнинг имкон берган даражада бўласан.

Яхшилигингни айтишмайди, Ёмонлигингдан қайтишмайди. (Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 30 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво шароити билан муҳитнинг бир оз йилгилишига имконият яради. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фазга кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида муҳитнинг бир оз йилгилишига имконият яради. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фазга кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.